

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

**ОГАҲИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ – ЁШЛАР ТАРБИЯСИ  
УЧУН НАМУНА**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ  
ТҮПЛАМИ**

ТОШКЕНТ –2020

**Огахий ҳаёти ва ижоди – ёшлар тарбияси учун намуна.** Республика илмий-амалий конференция түплами.– Тошкент, 2020. – 128 б.

Ушбу илмий түпламга 2020 йил 17 декабрь куни Тошкент давлат шарқшунослик университетида ўтказилган “Огахий ҳаёти ва ижоди – ёшлар тарбияси учун намуна” мавзудаги Республика илмий-амалий конференция материаллари жамланди.

*Тошкент давлат шарқшунослик университети Ҳалқаро Огахийшунослар Кенгашининг 2020 йил 14 декабрдаги 2-сонли мажлиси қарори билан нашрға тавсия этилган.*

**Масъул мухаррир:**  
филология фанлари доктори, профессор **Қ.Омонов**

**Тақризчилар:**  
филология фанлари доктори, профессор **Қ.Содиков**  
филология фанлари доктори, профессор **Б.Тұхлиев**

**ОГАХИЙНИНГ ТАРЖИМОНЛИК, ТАРИХНАВИСЛИК ФАОЛИЯТИ,  
АДАБИЙ АНЬАНАЛАР ВА АДИБ АСАРЛАРИНИ  
ҮҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ**



**ОГАХИЙНИНГ ХИВА ХОНЛАРИ ТАРИХИГА ОИД АСАРЛАРИДАГИ  
МАЪМУРИЙ-БОШҚАРУВ ТЕРМИНОЛОГИЯСИ ХУСУСИДА**

*Дадабоев Ҳамидулла*

*Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори*

Огаҳий XIX асрнинг биринчи ярмидан вафотига қадар (1874) бешта мукаммал тарихий асар ёзди. Хусусан, Оллоқули Муҳаммад Баҳодирхон хукмронлик қилган даврга (1825-1843) атаб “Риёз уд-давла”, Абулғози Раҳимқули Баҳодирхон хукмронлигининг дастлабки йилларига (1843-1846) оид “Зубдат ут-таворих”, Муҳаммадаминхон тарихига доир “Жоме ул-вокеоти султоний”, Сайид Муҳаммадхон хукмронлик замонини акс эттирувчи (1856-1865) “Гулшани давлат”, Муҳаммад Раҳимхон соний таҳт эгаллаган даврга (1865-1910) атаб “Шоҳиди иқбол”ни яратди.

Огаҳийнинг тарих асарларида Хива хонлиги маъмурий-сиёсий қурилишини акс эттирувчи бир қатор терминлар қайд этилган бўлиб, уларни икки кичик мавзуий гурӯхга бўлиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ: 1) маъмурий-худудий бирликларни англатувчи истилоҳлар; 2) муассаса ва идоралар номини ифодаловчи терминлар.

Маъмурий-худудий бирлик (бўлиниш)лар номларини англатувчи терминлар. Хива хонлиги Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги сингари тан олинган ҳудуд, чегара, вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ ва овулларига эга бўлган. Хонликнинг ўзбек, туркман, қорақалпок, қозоқ, қисман, тожик миллатидан иборат аҳолиси асосан қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик билан машғул бўлган. Ҳунармандчилик, косибчилик, меъморчилик, зардўзлик каби соҳалар ҳам яхши тараққий этган йирик шаҳарлар (Хива, Урганч)да маданий асори атиқалар бунёд этилган, ариқлар ва ҳовузлар қазилган, йўллар барпо этилган, меҳмонхонаю карvonсарайлар, работлар элчилар, мусофиirlар, тожирлар хизматида бўлган.

Огаҳийнинг хонлик тарихига оид асарларида баён этилган воқеаларнинг гувоҳлик беришича, “давлат, салтанат” маъноси муайян истилоҳлар ёрдамида очилган. Шу ўринда қайд этилган маъно-тушунчани ифодаловчи терминлар ранг-баранглиги, уларнинг бажарадиган вазифаси ҳануз тўла аниқланмаганлигини таъкидлаш жоиз. Ашёвий материалларга диққат қаратамиз.

“Салтанат, давлат” маъносини ифодалаш учун Огаҳий аксарият арабча **мамлакат**: *Ул манзилда ким, Дашиб Қитчоқ мамлакатининг хони... Шергозихонким, мазкур бўлган улуснинг ҳокими фармонравоси эрди* (РД, 42), **салтанат**: *Чун ул ҳазратат салтанат лавозими... шитиголидин, филжумла, фориг ҳосил қилди* (РД, 19), **мамолик**: *Дашиб Қитчоқ мамоликининг хони азимуши-шони...* (РД, 19) ўзлашмаларига мурожаат қилган. Айни чоғда, ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол ишлатилаётган **вилоят** ўзлашмасининг қайд этилган маънени англатгани кузатилади: *Хоразм вилоятига мавқаби ҳумоюн била ҳамроҳ борурга мурархас бўлдилар* (РД, 122). Огаҳий қадимги туркий тил ва эски туркий тилда кенг қўлланган асл туркча **улус** терминини ҳам ўрганилаётган маънени ифодалашда қўллаган: *Сарахс улусининг хонлари ...* (РД, 25). Ушбу гапда нисбатан кичик, мустақил мамлакат (аслида вилоят) ҳақида фикр кетмоқда. Таҳлил этилаётган маънонинг **ўлка** термини орқали ифодаланишига мисоллар манбалар матнида етарлича: *Сарахс ўлкасининг ҳокими Одина Қуртхон* (РД, 30). Бу

давр ўзбек тили лексик бойлигига кўрилаётган маънони ифодалаш шунингдек, диёр: *Чун Марв диёрида мутаваттин ва мутамаккин бўлуб...* (ЖВС,9) ҳамда **давлат** терминларига ҳам юклатилган: *Хусусан, Хурросон вилоятларигаким, Эрон давлатининг этакига рабту таалуқи бордуур* (РД, 132). Келтирилган истилоҳлар сафига туб туркча **юрт**: *Сарахс юртига азийматтаймо қилди* (РД, 19) лексик бирлигини ҳам киритадиган бўлсак, эски ўзбек адабий тилида зикр этилган тушунчанинг ифодаланиш даражаси қай ҳолатда бўлганлигини англаб етиш қийинчилик туғдирмайди. Кези келганда **улус, юрт** истилоҳларининг қадимги туркий тил ва эски туркий тилда эл лексемаси қатори кенг ишлатилгани, **мамлакат** ўзлашмасининг XIV асрдан эътиборан кўллана бошлагани, **вилоят** лексемасининг ilk бор “Кутадғу билиг” достонида “мамлакат, юрт” маъносида ишлатилганлигини яна бир карра эътироф этиш лозим. Алишер Навоий ва унинг издошлари асарлари сўз хазинасидан ҳам юқоридаги туб ва ўзлашма имтилоҳлар мустаҳкам жой олган.

Салтанатнинг худудий бирликлари ичида бир неча туманларни ўз ичига оловчи, бошқарув-маъмурий аппарати, ахолиси, қуролли кучлари, пойтахтига эга бирликни ифодалаш учун асосан арабча **вилоят** ўзлашмасидан фойдаланилган. Қайд этилган семемани англашиб вазифаси бу терминга XIV асрдан бошлаб юклатилган. Айни пайтда, у “мамлакат, юрт” маъносини ҳам ифодалайверган (АНАТИЛ, I, 373). Ушбу жиҳатни Оғаҳий асарлари мисолида ҳам кузатиш мумкин: *Хурросон атрофидаги билод ва вилоят ҳокимларига... элчилар ирсол қилди* (РД, 125). Мазкур гапдаги арабча **билод** ўзлашмаси (бирлиги **балда**) “шахарлар, мамлакатлар” маъносида Алишер Навоий даври эски ўзбек адабий тилида кенг қўлланган (АНАТИЛ, I, 292). “Риёз уд-давла” матнида **билод** истилоҳининг **вилоят** истилоҳидан олдин тилга олиниши, унинг гапда “шахарлар” маъносида қўлланаётганини билдиради. Мазкур мулоҳазани элчиларнинг Ҳирот, Ҳаюшон, Турбат, Калот сингари узоқ- яқиндаги шахарлар ҳокимлари ҳузурига жўнатилганлиги ҳақидаги асардаги кейинги жумла ҳам тасдиқлади. Юқорида таъкидланганидек, Оғаҳий даврида **вилоят** истилоҳи англашган маъно, шунингдек, **мамлакат** ўзлашмаси ёрдамида ҳам ифодаланган. Маълумки, Ҳазорасб Хива хонлиги тасарруфидаги эллардан бири хисобланган. “Риёз уд-давла”да ушбу маъмурий бирлик ҳам **вилоят**: *Ҳазорасб вилоятига ворид бўлуб...* (РД, 42), ҳам **мамлакат** терминлари билан аталган: *Ҳазорасб мамлакатидин мутаҳаррик ва шукқакуши қилиб...* (РД, 42).

Вилоят туманлардан ташкил топган. XIV асрнинг биринчи ярмидан Мовароунаҳрда кичик маъмурий қўшилмалар **туман** термини билан номлана бошлаган. Темурийлар даврида Самарқанд вилоятининг етти тумандан иборат бўлгандиги тарихдан яхши маълум. Бундай бўлиниш XVIII асрга қадар сакланиб қолган. **Туман** истилоҳининг кўплік **туманот** шакли “туманлар, районлар” маъносида ишлатилган: *Баҳодирхонким, Бухоро туманотидин бир туманда ҳоким эрди* (РД, 66). **Туман** истилоҳи ифодалаган маъно Оғаҳий асарларида шунингдек, араб тилидан ўзлашган **ноҳия//ноҳият** лексемаси билан ҳам англашилган: *Садвар ноҳиятин... аълоти шавкати қилди* (РД, 42). Дастлаб Алишер Навоий асарлари тилида қайд этилган мазкур ўзлашма “мамлакат, тупрок, ер” ни англашган (НАЛ, 471). Унинг “мамлакат” маъноси Оғаҳий даври эски ўзбек адабий тилида ҳам сакланиб қолган: *Сарахс ноҳиятидин давлат ва иқбол била қўчуб...* (РД, 38). Адиб асарларида ушбу ўзлашманинг **навоҳий** кўплік шакли “мамлакат, ўлка, вилоят” маъносини ифодаланган: *Ҳамул (Сарахс) навоҳийнинг атроф ва акнофида мутаваттин ва мутамаккин бўлган марокима тавойифи...* (РД, 36). Ўзлашманинг ушбу шакли ilk бор Навоий асарлари матнида “атрофлар, мамлакатлар” маъносида ишлатилган (НАЛ, 446).

**Шаҳар//шахр** термини “шахар” маъносини ифодалашда давом этган: *Маиҳад шаҳрининг ҳисори бағоят ҳасин ва улуси кофири бединдуур* (РД, 32). Илк бор Ўрта Осиё тафсири, кейинчалик “Гулистон бит-туркий”, “Хусрав ва Ширин”, “Наҳжул-


фародис” (СУЯ, II, 534) каби асарлар тилида кенг истеъмолда бўлган ушбу форсчатожикча ўзлашма нисбатан фаол қўлланувчи истилоҳлар сирасидан ҳисобланган.

“Мамлакатнинг бош шаҳри, ҳукумат жойлашган манзил” семаси **пойтахт** ўзлашмаси ёрдамида англашилади: *Марв навоҳийисидин кўчуб, Хоразм пойтахти сари юз қўйди* (РД, 136). Ушбу гапда *Хоразм пойтахти* парафразаси остида Хивақ шаҳри назарда тутилмоқда. “Пойтахт, бош шаҳар” маъноси Огаҳий тарихий асарларида шунингдек, маълум кўтаринкилиқ оттенкасига эга арабча **доруссалтана** ўзлашмаси билан ҳам англашилган: *Ҳазрати олиймакон... доруссалтанаи Хивақдин чиқди* (РД, 41). Ушбу арабча ўзлашма “пойтахт, ҳукмдор яшайдиган шаҳар” маъноси билан дастлаб Алишер Навоий даври эски ўзбек адабий тилида қайд этилганлиги билан характерланади.



Кичик ҳудудий бирликлар асл туркча **қўрғон** ва арабча **қалъя** терминлари билан ифодаланган. **Қўрғон, қалъя** истилоҳлари билан аталган маъмурий-ҳудудий бирликлар, асосан, баланд деворлар билан ўралган, душман ҳужумини бартараф этиш мақсадида теварак-атрофида чукур, кенг хандақлар қазилган, бурж ва борулар билан таъминланган. Қўрғон ёки қалъя бошлиғи аксарият арқда истиқомат қилган. Огаҳий асарлари тилида ҳар икки истилоҳ фаол қўлланган: *Дарингиз қўргонининг ҳокими бир неча яхии от ирсол қилди* (РД, 34); *Аъдо гуруҳининг мутахассин бўлган қалъаларидин Оққалъя, Хојсақалъя, Янгиқалъя ва Қушқалъя бошлиғ йигирма икки қалъасин ярим кун муддатида мусахҳар қилдилар* (ЗТ, 197). Келтирилган мисоллардан ҳар бир қалъанинг номи бўлгани, бунинг кўмагида уларни бир-биридан фарқлаш имкони яратилгани, Қоракул ва Бухоро каби йирик шаҳарларда қалъалар сонининг кўп бўлганлиги хусусида хуласа чиқариш мумкин. “Қалъалар, қўрғонлар” маъноси адаб асарларида **қалъя** сўзининг кўплек шакли **қилоъ** ёрдамида англашилган: *Атроф ва акнофдаги қилоъ ва билод ҳокимлариким...* (РД, 19).

Огаҳий таълиф этган манбалар тилида муайян шахснинг уруг-аймоги, қариндош-уруғи жойлашган маскан **овул** истилоҳи билан ифодалангани кузатилади: *Чун Чўнг-қарабийининг ўғли Қобилбий овулига етди* (РД, 70). Шу ўринда, ҳозирги ўзбек адабий тилида “кваратал” маъносини англатувчи **мавзеъ** ўзлашмасининг Огаҳий асарларида “жой, ўрин, ер” семасини англатиш учун қўлланганини таъкидлаш керак: *Ул мавзеъда икки оқшиомлиқ озуқ ва от еми қўюб, теваларин Ишимга қайтардилар* (ЗТ, 191).


Салтанатда мусофиirlар, тоҷирлар, юришга отланган аскарлар учун дам олиш, хордик чиқариш жойлари, қўнимгоҳлар хизмат кўрсатган. Бундай қўнимгоҳлар **манзил** ўзлашмаси билан аталган: *Чашма отлиғ манзилга файзи хузуридин саршорлиғ еткуруди* (ЗТ, 196). Хуллас, юкорида қайд этилган мулоҳазаларни чизмада қўйидагича тасвиrlаш мумкин:



ЭЛ




Шаҳар → шаҳар//шахр



Қўрғон → қўрғон  
→ қалъа (қилоъ)

Мавзе → мавзеъ  
→ марҳала

Қишлоқ → овул



Огаҳий битган манбаларда феодал давлатга хос ҳукумат муассаса ва идораларини англатувчи истилоҳлар миқдоран кўп бўлмаса-да, қайд этилган. Уларнинг таҳлилига ўтишдан аввал “бир авлоддан тарқалиб ворислик, валиаҳдлик ҳуқуқига асосан биринкетин таҳтга ўтирган подшоҳлар, амирлар, хонлар ва ш.к.” (ЎТИЛ, II, 83) маъносини ифодалаш учун кўлланган истилоҳларга тўхталиш мақсадга мувофиқ. Зоро, қайд этилган семемани ифодаловчи истилоҳлар қуйида таҳлил қилинадиган терминлар билан чамбарчас муносабатга киришган. Келтирилган маъно форсча-тожикча **хонадон:** ул хонадоннинг *карампарваридурмиз* (РД, 34), арабча **силиса:** Чингизия силсиласининг *ифтихори* (РД, 132) ўзлашмалари билан англашилган.

“Мамлакатда давлатни бевосита бошқариб турувчи, фармон берувчи ва ижро этувчи олий орган” маъносини (ЎТИЛ II, 711) ифодаловчи **хукумат** ўзлашмаси “Риёз уд-давла”да “ҳоким, ҳукмдор” маъносини билдиради: *Соатқули сардорким... Марв ҳукумати мансабига етмии эрди* (РД, 25). Қайд этилган маъно аксарият “сарой” кўчма маъносини англатувчи **остон:** бу давлат останига йиборган элчиларига элчи йўсунлиг ҳамроҳ бўлуб... (ЖВС, 69) ва **даргоҳ** лексемалари ёрдамида англашилган: *Хўқанд волийсининг элчиси Бекмуҳаммадбий била даргоҳи фалакишишибоҳ мулозаматига этиб...* (ЖВС, 62).

Давлат бошлиғи, яъни хон белгилаб кўйилган кун ва вақтда фуқаронинг арз ҳамда шикоятларини тинглаш учун хос таҳтга чиқкан. Бундай таҳт **маснад** истилоҳи билан юритилган: *Ва гоҳо...давлат маснадиди мақом этиб... эҳтимоми тамом била доддоҳлар ва мазлумлар арзин эшитурга машгул бўлур эрди* (ШИ, 96). Шу ўринда **маснад** истилоҳининг умуман “таҳт, ҳукмронлик ўрни” маъносида ҳам ишлатилганини эътироф этиш лозим: Чун ҳазрат зилии субҳоний таъиидоти яздоний била *салтанат саририга жулус қилиб, давлат маснадиди қарор тутти* (ШИ, 166).

“Давлатнинг бойлиги сақланадиган жой” семаси Огаҳий тарихий асарлари матнида XV-XVI аср эски ўзбек адабий тилида кенг кўлланган **ҳазона** истилоҳи билан ифодаланган: *Ва ҳар йил закоту хироҷи ҳазрати аъло ҳоқони гетиситоннинг ҳазонаи давлатнишонасига восил бўлади* (ЖВС, 37). Келтирилган жумладан давлат ҳазинаси солиқ тизимининг асосий турлари ҳисобланмиш **закот** ва **хироҷ** ҳисобига тўлдирилганлигини пайқаш қийин эмас.

Арабча **девон** ўзлашмасининг “давлатнинг кирим-чиқимларини назорат қиласидиган маҳкамам” маъносини англатишда давом этгани кузатилади: *Осафназир, соҳиб девони аъло...* (ГД, 177). Ушбу термин шунингдек, “давлат кирим-чиқими ишлари(дафтархона)нинг бошлиғи, вазир” маъносида ҳам кўлланган: *Мулла Муҳаммад девонни... Марв жонибига ирсол қилди* (ГД, 170). Таҳлил этилаётган истилоҳ Алишер Навоий асарларида ҳам қайд этилган маъноларда кўлланган (НАЛ, 188).

“Дипломатик ваколат жойлашган бино” маъносини ифодалаш эски ўзбек адабий тилида кенг ишлатилган **элчихона** терминининг вазифасида бўлган: *Шаҳарда қолиб, элчихонаи ҳумоюнда мутамаккин эрди* (ГД, 199).

Ҳукмдорнинг элчилар ва саройга ташриф буюрган шахсларни қабул қиласидиган маҳсус хонаси бўлган ва у **кўрунушхона** термини билан аталган: *Аларни илтифоти бегарон ва иноёти фаровон била кўрунушхонаи ҳумоюнга ундан...* (РД, 20). Кўрунушхонада ҳукмдор узоқ ёки яқин давлатлардан келган элчиларни қабул қилган, ўзга юртлар бошлиқлари томонидан йўлланган мактуб (нома)лар шу ерда ўқиб эшилтирилган, юборилган совғаю пешкаш (хадя)лар қабул қилинган ва ўз навбатида, элчилар турли шоҳона тўнлар, халатлар ва бахшишлар билан сарафroz этилган ва х.к. “Қабулхона” маъносини англатувчи терминнинг биринчи компоненти “намоён бўлиш, чиқиш; қабул қилиш” маъносини англатган **кўрунуш (<кўрун-** “кўринмоқ, намоён бўлмоқ”) дериватидан ташкил топган. Мазкур ясама “қабул” маъносида илк бор Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарининг 1519 йилда Кўчкунчихон фармонига

биноан Мухаммад Али ибн Дарвеш Али ал-Бухорий томонидан эски ўзбек тилига қилинган таржимаси матнида қайд этилади: *Тонгласи (Соҳибқирон) амирзода Мирониоҳга кўрунуш бериб, пешкашларни торти* (224б).

Хуллас, Оғаҳий Хива хонлари тарихини ёритишида ўзбекадабий тили сўз бойлиги имкониятларидан моҳирона истифода этган, давр терминологик тизими ning шаклланиши ва ривожига салмоқли улуш қўшган.

### **Шартли қисқартмалар:**

АНАТИЛ - Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Т. I-IV.-Тошкент: Фан, 1983-1985.

ГД - Гулшани давлат. Огаҳий. Асарлар. VI жилд. -Тошкент:Faafur Fulom, 1980.

ЖВС - Гулшани давлат. Огаҳий. Асарлар. VI жилд. -Тошкент: Faafur Fulom, 1980.

Зафарнома - Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков. -Тошкент: Шарқ, 1997.

ЗТ - Зубдат ут-тавориҳ. Огаҳий. Асарлар. V жилд.-Тошкент: Faafur Fulom, 1978.

РД - Риёз уд-давла. Огаҳий. Асарлар. V жилд.-Тошкент: Faafur Fulom, 1978.

НАЛ - Навоий асарлари луғати.-Тошкент: Faafur Fulom, 1972.

СУЯ - Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. Т. II.-Ташкент: Фан, 1971.

ШИ - Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол(Иқбол шаҳодати). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Н.Шодмонов.-Тошкент: Мухаррир, 2009.

ЎТИЛ - Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. II. -М.: Русский язык, 1980.

## **ОЛДИ КЎНГЛИМНИ МАНИ... ЁХУД ТАБИБИЙ, ҲУСОМИЙ ВА ОГАҲИЙ**

*Махмудов Жасурбек*

*Ўзбекистон миллий университети доценти, филология фанлари номзоди*

Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 7083 инвентар рақамида сақланаётган Аҳмад Табибийнинг “Тухфат ус-султон” деб номланган форсий девони қўлёзмасининг 124 вараги (248 сахифаси)да 11 байтдан иборатdir “397 ғазали Табибий” келтирилган<sup>59</sup>:

Бўрд бо нозу адo жону дили ман ёраке,  
Шўхаке, жононаке, маstonаке, айёраке.  
(Олди нози ила жону дилни биргина ёргина  
Шўхгина, жононгига, маstonгина, айёргина)  
Лутфу эҳсонаш ба аҳли ишқ доим андаке,  
Жавру озору итобу зулми у бисёраке.  
(Лутфи эҳсони ишқ аҳлига ҳамиша камгина  
Жавру озору итоби зулми унинг бисёргина)  
Зийраке, хўдкомаке, номеҳрибонақ, дилбаре,  
Маҳваши писта даҳонақ, маҳлиқо дилдораке.  
(Зийракина, худбингина, номеҳрибон дилдоргина,

<sup>59</sup> Каранг: ЎзРФАШИ қўлёзма №7083, 124-варак, 248-саҳ.

**ОГАХИЙНИНГ ТАРЖИМОНЛИК, ТАРИХНАВИСЛИК ФАОЛИЯТИ,  
АДАБИЙ АНЬАНАЛАР ВА АДИБ АСАРЛАРИНИ  
ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ**

<b>Дадабоев X.</b>	Огаҳийнинг Хива хонлари тарихига оид асарларидаги маъмурий-бошқарув терминологияси хусусида .....	83
<b>Махмудов Ж.</b>	Олди кўнглимни мани... Ёхуд Табибий, Ҳусомий ва Огаҳий .....	88
<b>Махмудов Р.</b>	Огаҳий тарихий асарларида авестовий археоантропонимлар .....	91
<b>Kholmatova Sh.</b>	Creative new approaches to the study of Ogahi .....	96
<b>Исмоилов О.</b>	Бебаҳо мерос .....	98
<b>Qodirova X.</b>	Ogahiy ijodida qo‘llanilgan laqablar xorazm shevasiga ta’siri .....	102
<b>Арипова Г.</b>	Огаҳий ижодининг ўрта мактабда ўрганилиши .....	105
<b>Nosirova M.</b>	Linguistic heritage of Agakhi as a mentor .....	106
<b>Юсупова Б.</b>	Муҳаммад Ризо Огаҳий ижодида комил инсон талқини .....	109
<b>Миркомилов Э.</b>	“Мифтоҳ ут-толибин” асарининг Огаҳий таржимасига оид мулоҳазалар .....	113
<b>Saidov I.</b>	O‘zbekistonda Ogahiyshunoslik va Najmiddin Komilov Ogahiy tarjimalarining tadqiqotchisi sifatida .....	115
<b>Ro‘ziyev E.</b>	“Firdavs ul-iqbol”dagi nazmiy parchalar va ularning badiiyatiga doir ayrim mulohazalar .....	119
<b>Abdulazizova M.</b>	Qasidayi nasihat – siyosiy-didaktik lirikaning yorqin namunasi .....	123